

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-сентябрь ойларида Навоий вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 24 958,5 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 4,0 % га ўсди.

2019 йил январь-сентябрь якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 25 312,9 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,2 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Навоий вилоятининг қўшган ҳиссаси 6,9 % ни ташкил этди.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМни ишлаб чиқариш

	Млрд. сўм		2018 йил январь-сентябрига нисбатан, % да
	2018 йил январь-сентябрь	2019 йил январь-сентябрь	
<b>I. ЯҲМ</b>	<b>15 389,9</b>	<b>24 958,5</b>	<b>104,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	14 851,4	24 105,5	104,0
Маҳсулотларга соф солиқлар	538,5	853,0	104,2
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>14 851,4</b>	<b>24 105,5</b>	<b>104,0</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3 464,6	4 023,4	102,6
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	8 971,5	17 001,7	104,3
саноат	8 275,4	15 883,9	101,9
қурилиш	696,1	1 117,8	132,6
Хизматлар	2 415,3	3 080,4	105,1
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	684,2	816,6	104,5
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	465,9	506,4	103,0
бошқа хизмат	1 265,2	1 757,4	106,2

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 102,6 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 16,7 %), саноат - 101,9 % (65,9 %), қурилиш - 132,6 % (4,6 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 104,5 % (3,4 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 103,0 % (2,1 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 106,2 % (7,3 %) ни ташкил этди.

**2019 йилнинг январь-сентябрида  
ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари  
бўйича ўсиш суръатлари.**




**Иқтисодий фаолият турлари**

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 96,6 % ни, маҳсулотларга соф солиқлар эса 3,4 % ни ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2019 йилнинг январь-сентябрида 16,7 % ни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даври (23,3 %) билан таққосланганда 6,6 % пунктга камайди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 10,1 % пунктга кўпайди ва ҳисобот йилида 70,5 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 12,8 % ни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даври (16,3 %) билан таққосланганда 3,5 % пунктга камайди.

### Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда)

2018 йил январь-сентябрь



2019 йил январь-сентябрь



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 3,4 % ни (2018 йил январь-сентябрида 4,6%), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 2,1 % ни (3,1 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 7,3 % ни (8,6 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби  
(жамига нисбатан фоизда)**

**2018 йил январь-сентябрь**



**2019 йил январь-сентябрь**



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар